

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ГАЗИЕВ ШУКУРЖОН ШУХРАТ ЎҒЛИ

**САМБОЧИЛАРНИНГ СПОРТ ТАКОМИЛЛАШУВИ БОСҚИЧИДАГИ
МАШҒУЛОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЮКЛАМАЛАРИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчик - 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical science**

Газиев Шукуржон Шухрат ўғли

Самбочиларнинг спорт такомиллашуви босқичидаги
машғулот воситалари ва юкламаларини оптималлаштириш.....3

Газиев Шукуржон Шухрат угли

Оптимизация тренировочных средств и нагрузок самбистов
на этапе спортивного совершенствования.....29

Gaziev Shukurjon Shukhrat ugli

Optimization of training means and loads of sambo wrestlers
at the stage of sports improvement.....55

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....59

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ГАЗИЕВ ШУКУРЖОН ШУХРАТ ЎҒЛИ

**САМБОЧИЛАРНИНГ СПОРТ ТАКОМИЛЛАШУВИ БОСҚИЧИДАГИ
МАШҒУЛОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЮКЛАМАЛАРИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулооти назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчик - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Ped1446 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uzdjtsu.uz ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маткаримов Рашид Машарипович
педагогика фанлар номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Керимов Фикрат Азизович
педагогика фанлар доктори, профессор

Ўллатов Фазлиддин Муҳиддинович
педагогика фанлар номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил "11" август соат 10:30 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17-19, 717-27-27, факс: (0-370)-717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Б-биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот ресурслар марказида танишиш мумкин (210929 рақам билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2021 йил "18" июль куни тарқатилди.
(2021 йил "18" июль даги 28 рақамли реестр баённомаси)



М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д., доцент

Ф.А.Керимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида йилдан-йилга самбо спорт тури билан шуғулланаётган ёшларнинг сони ортиб бормоқда. Яккакурашчиларда рақобатнинг ортиб бориши натижасида организмнинг энг муҳим тизимлари ҳолатидан келиб чиқиб спортчиларни тайёрлаш тизимини оптималлаштириш муаммоси долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги вақтда яккакураш спорт турларида замонавий ютуқлар шунчалик юқорики, спортчи юқори натижалар кўрсатиши учун ўсмирлик вақтиданок тизимли тайёргарлик кўриши зарур. Халқаро тажрибалар орқали жисмоний тарбия ва спорт, инсон саломатлигини мустаҳкамлашда ҳамда оммалашиб бораётган кассаликларни енгишда энг самарали йўл эканлиги бугунги кунда ўз исботини топмоқда.

Жаҳонда самбочиларни тайёрлаш соҳасида, хусусан, уларнинг тезкор-куч тайёргарлиги, техник-тактик маҳорати, функционал тайёргарлиги, куч ва координацион сифатларини ривожлантириш бўйича кўп сонли илмий тадқиқотлар олиб борилган. Самбо назарияси ва услубиятида илмий изланишлар тайёргарликнинг турли мезонларига, ёши ва малакаси ҳар хил бўлган самбочиларда амалга оширилган. Хусусан, партерда мусобақа ҳужум усулларининг устувор бажарилиши асосида спортчиларни тайёрлаш услубиятини такомиллаштириш, тренировка юкламаларини индивидуал хусусиятлари асосида меъёрлаштириш, техник-тактик ва жисмоний тайёргарлигини ошириш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишлари мавжуд. Охирги ўн йилликларда самбо энг оммавий спорт турига айланди, лекин спорт такомиллашув босқичида мусобақа беллашувларининг сони ва уларнинг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тренировка жараёнига мусобақа юкламаларини жорий қилиш билан тренировка воситаларини оптималлаштириш масалаларини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар етарли даражада эмас.

Республикамызда байроғимизни жаҳон миқёсида юқори даражада кўтараётган самбочиларнинг табиий қобилиятларини янада ривожлантириш, ёшлар орасидан профессионал самбо спортга иқтидорга эга ёшларни жалб этиш борасида улкан эътибор қаратилмоқда. «Республикамызда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш, мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда»¹. Адабиётлар таҳлили, самбо бўйича спортда такомиллашув босқичида Беш поғонали тайёрлаш тизими тадқиқ қилинган ишлар етарли даражада изланмаганлигини кўрсатади. Ҳозирги вақтда, махсус чидамлиликини ошириш самбо йўналишида мусобақаолди тайёргарликнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги Пф-5368-сон «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. 1-бет.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2821-сон «Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токиода бўлиб ўтадиган XXXII олимпиада ва XVI параолимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика ва фан технологияларини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» билан боғлиқ устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ватанимиз олимлари, хусусан Ф.А.Керимов, З.А.Бакиев, Н.А.Тастанов, А.Н.Абдиев, И.Х.Боймуродов, Э.И.Байтураевлар Ўзбекистонда халқаро кураш турларини ривожлантиришда техник-тактик тайёргарлик, ҳужум қилувчининг техник ҳаракатлари, усулларнинг кетма-кетлигини саралаш каби сифатларни бир қанча илмий ишларида белгилаб ўтишган. Д.Р.Закиров, А.В.Панков, С.А.Рябинин ўзларининг тадқиқотларида самбо бўйича замонавий адабиётларнинг аксарияти спорт машғулотларини бошқаришнинг услубий жиҳатларига, шу жумладан жисмоний, техник-тактик ва психологик тайёргарликка бағишланганлигини кўрсатади.²

Г.С.Туманяннинг таъкидлашича, тренировканинг воситалари ва усулларини адекват танлаш йўли билан индивидуаллаштириш тамойилига риоя қилиш, хусусий мусобақа тавсифларини аниқлаш, тренировка жараёнида режалаштириш ва назорат қилиш ўта муҳим².

Е.М.Чумаков, R.Naul, D.Binder, A.Rychtecky, P.Slepickalar томонидан олиб борилган бир қатор тадқиқотлар хулосаларига кўра, машғулотлар давомида техниканинг самарадорлигини маълум меъёردа ушлаб туриш маҳоратини ошириш ва техник ҳаракатларни сифатини ошириш билан рақибнинг ҳусусиятларини назорат қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.³ Д.Ю.Назаренко, В.Г.Никитушкин, В.А.Ермаков, В.А.Воробьев, А.В.Ишков, А.М.Кондакова, О.А.Рапопорт, Т.В.Бондарчук, Ю.Б.Буланов, Э.Н.Гогунов,

² Туманян, Г.С. Индивидуальная подготовка борцов различных весовых категорий //Г.С. Туманян //На борцовском ковче: Сб. ст. - Москва, 1969.- С. 62-73., Туманян, Г.С. Школа мастерства борцов, дзюдоистов и самбистов: Учебное пособие для студентов вузов /Г.С. Туманян.- Москва: Академия, 2006.- 591 с.: ил.-Библиогр.: с. 585-586.

³ Чумаков Е.М. Сто уроков САМБО М.: «ФАИР-ПРЕСС», 1998. -400 с., Cahill, J and Vaka, Richard (2017) Australia: Olympic education: Inspiring young Australians to be better. In: Olympic Education: An International Review. Naul, R, Binder, D, Rychtecky, A and Culpan, I, eds. Taylor & Francis, London, p. 75-88., Slepicka P. (1995). Psychology of the sport spectator. In S. J. H. Biddle (Ed.), European perspectives on exercise and sport psychology (p. 270–289). Human Kinetics Publishers.

В.И.Дубровский, В.О.Кендозов, В.Н.Лоцинов, Л.П.Матвеев, В.Н.Платонов, Н.В.Тарасенко, Е.В.Титаренколарни фикрича, тикланиш воситалари ва усулларини ҳамда техник-тактик тайёргарликни оптималлаштириш, ҳозирги вақтда мусобақаолди тайёргарликнинг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади.⁴

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, самбо мусобақа даврида спортчилар томонидан амалга ошириладиган юкламаларни машғулот жараёнига тўғридан тўғри йўналтириш, самбочиларни мусобақа жараёнида ҳар бир беллашувга тайёр бўлишини ва финал беллашувигача ўз кучини тўғри тақсимлай олишида ўз самарасини беради. Бироқ, яккакураш спорт турлари борасидаги илмий-тадқиқот ишларда машғулот восита ва юкламаларини оптималлаштириш, яъни юкламаларни мусобақа жараёнини инобатга олган ҳолда йўналтириб, махсус чидамкорликни ошириш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари концепцияси ва истиқбол режасидаги № V 36/4 “Курашнинг дзюдо, самбо, эркин ва юнон-рум турлари билан шуғулланадиган Ўзбекистон ёшларининг тренировка жараёнини такомиллаштириш” мавзусидаги фундаментал илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

⁴ Назаренко Д.Ю. Особенности подготовки борцов-юношей в период их перехода во «взрослый спорт» // Состояние и перспективы совершенствования физической культуры в системе образования: Материалы междунар. науч.-практ. конф. Ч.1.- Омск, 1998. - С.135-137., Никитушкин В.Г., Современная подготовка юных спортсменов: метод. пособие -М.: Департамент ФКиС г. Москвы, 2009. - 116 с., Ермаков, В.А. Принципы и условия организации учебно-тренировочного процесса в группах спортивно-оздоровительной подготовки по борьбе самбо / В.А. Ермаков, Р.Н. Ломиворотов // Известия Тульского гос. ун-та. Физическая культура. Спорт. - 2015. - № 2. - 49-55., Воробьев В.А. Содержание и структура многолетней подготовки юных борцов на современном этапе развития спортивной борьбы: автореф. дис. д-ра пед. наук. - СПб., 2012. - 48 с. и др. Воробьев В.А. Содержание и структура многолетней подготовки юных борцов на современном этапе развития спортивной борьбы: автореф. дис. д-ра пед. наук - СПб., 2012. - 48 с., Ишков А.В. Подготовка единоборцев в боевом самбо с использованием технических средств: автореф. дис. канд. пед. наук / А.В. Ишков. - М., 2004. - 23 с., Кондаков А.М. Техничко-тактическая подготовка самбистов 11-12 лет средствами специальных координационных упражнений с учетом весовых категорий: автореф. дис. канд. пед. наук / А.М. Кондаков. - Омск, 2010 - 24 с., Рапопорт О.А. Интеграция физической и психологической подготовки борцов-самбистов этапе начальной спортивной специализации: автореф. дис. к.п.н.-Красноярск, 2005. - 23 с., Бондарчук Т.В. Саморегуляция психического состояния спортсменов высшей квалификации / Теория и практика физической культуры. – 2006. -№2. -С.39-41., Буланов Ю.Б. Анаболизм без лекарств 2– Тверь, 2003. – С. 168., Гогонов Е.Н. Психология физического воспитания и спорта: учебное пособие для студ.ВУЗ.– М.: Изд.центр «Академия», 2000. -288 с., Дубровский В.И. Гигиена физического воспитания и спорта. – М.: Владос, 2003. -512 с., Кендозов В.О. Релаксация как метод реабилитации спортсменов – М., 2005. -33 с., Лоцинов В.Н. Восстановление мышечной работоспособности как фактор достижения высших спортивных результатов Теория и практика физической культуры. – 2006. -№7. -С.55-58., Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. Введение в предмет: учебник для вузов. – СПб., М.: Изд-во «Омега», 2004. – 160 с., Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в олимпийском спорте. Общая теория и ее практические приложения– Киев: Олимпийская литература, 2004. -808 с., Тарасенко М.В. Средства восстановления и адаптация к нагрузкам в процессе предсоревновательной подготовки тяжелоатлетов – М., 2000. -33 с., Титаренко Е.В. Средства психорегуляции в профессиональной подготовке специалистов в области физической культуры /Е.В. Титаренко//Теория и практика физической культуры. – 2007. -№6. -С.30-34

Тадқиқотнинг мақсади спорт такомиллашуви босқичидаги малакали самбочиларнинг махсус тайёргарлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

спорт такомиллашуви босқичидаги малакали самбочиларнинг тезкор-куч сифатларини намоён этиш самарадорлигини ошириш мақсадида мусобақа юкламаларини машғулот жараёнига йўналтириш негизида юқори даражада таъсир этувчи машғулот воситаларини ишлаб чиқиш;

спорт такомиллашуви босқичидаги малакали самбочиларнинг беллашувлар вақтида тож усулларини бажариш имкониятларини кенгайтириш асосида техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштириш;

спорт такомиллашуви босқичидаги малакали самбочиларнинг финалга қадар ўтказиладиган беллашувларда техник-тактик усулларни бажариш маҳоратини такомиллаштириш учун қўлланиладиган техник-тактик ҳаракатларни машғулот жараёнига йўналтириш;

спорт такомиллашуви босқичидаги малакали самбочиларнинг мусобақа фаолиятига тайёрлаш учун беллашувлардаги тезкор-куч сифатлари, техник-тактик ҳаракат ва кўникмаларини финалга қадар беллашувларда такомиллаштириш мақсадида захира имкониятларини тақсимланишини рационаллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти “Жар” ва “Динамо” спорт соғломлаштирувчи комплексларида шуғулланувчи 18-20 ёшдаги самбочиларнинг ўқув-тренировка жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети самбочиларни спорт такомиллашуви босқичидаги тренировка воситалари ва юкламаларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-услубий адабиётлар таҳлили, анкета-сўровнома, педагогик кузатув, тиббий-биологик усуллар, умумий ва махсус жисмоний тайёргарликни оширишни беш поғонали дастур бўйича назорат синовлари, педагогик тажриба ва олинган маълумотларни математик-статистик қайта ишлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

спорт такомиллашуви босқичидаги малакали самбочиларнинг мусобақа юкламаларини машғулот жараёнига йўналтириш мақсадида яратилган “Умумий тайёргарлик модули” юқори даражада таъсир кўрсатувчи машғулот воситаларини танлаш ва умумий тайёргарлик кунига йўналтириш ҳисобига уларнинг тезкор-куч сифатлари такомиллаштирилган;

спорт такомиллашуви босқичидаги малакали самбочиларнинг техник-тактик кўникмаларни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган “Махсус тайёргарлик модули” асосида самбочиларнинг усулларни бажариш самарадорлигини мусобақа фаолиятига мослаштириш эвазига беллашувлар вақтида тож усулларни бажариш имкониятлари кенгайтирилган;

спорт такомиллашуви босқичидаги малакали самбочиларнинг мусобақа жараёнидаги беллашувларда қўлланиладиган техник-тактик ҳаракатларни

такомиллаштириш орқали “Махсус чидамкорлик модули” бўйича самбочиларнинг мусобақа олди босқичини коррекциялаш ҳисобига техник-тактик усулларини бажариш маҳорати такомиллаштирилган;

спорт такомиллашуви босқичидаги малакали самбочиларни мусобақа фаолиятига тайёрлаш учун беллашувларда захира имкониятларини рационал тақсимлаш ҳисобига самбочилар учун янги “Беш поғонали тайёрлаш тизими” ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

спортда такомиллашув босқичида тренировка воситаларини оптималлаштирувчи сифатида самбочиларнинг махсус чидамлилиги ва техник-тактик маҳорати самарадорлигини оширадиган «Беш поғонали тайёрлаш тизими» ишлаб чиқилган ва ўқув-тренировка жараёнига жорий қилинган;

Тошкент шаҳар «ДИНАМО» жисмоний тарбия-спорт жамиятида ва «ЖАР» клубларида шуғулланадиган самбочиларнинг тренировка воситалари ва юкламаларини режалаштиришни оптимал вариантлари аниқланган ва ўқув-тренировка жараёнига жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Спорт амалиётида мавжуд қоидаларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқотнинг илмий ташкил этиш билан тасдиқланган, шу ўринда қўлланилган тадқиқот услублари мажмуаси тадқиқот олдига қўйилган вазифаларга мос келади, катта далилий материалларнинг юқори даражадаги ишончлилиги, тўғри ишлаб чиқилганлиги, таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади, олинган натижаларнинг тўғрилиги ва ишончлилиги, аниқ ҳамда тадқиқот ва педагогик услубларнинг қўлланилганлиги билан таъминланган ҳамда тўғри фактларни кенг қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва талқин қилиш математик статистик усуллар билан қайта ишланди, стандарт оғиш, формулалар бўйича корреляцион таҳлилидан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тажриба дастурини ўқув-тренировка жараёни доирасида экспериментал дастурни амалга ошириш усуллари белгиланди. Ўтказилган комплекс педагогик тадқиқотлар асосида илк бора учта модул, умумий жисмоний тайёргарлик (УЖТ) кўрсаткичлари бўйича “Умумий тайёргарлик модули”, махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари (МЖТ) кўрсаткичлари бўйича “Махсус тайёргарлик модули”, техник-тактик ва махсус мотор кўрсаткичлари кўрсаткичлари бўйича “Махсус чидамлилиқ модули” ишлаб чиқилган, вазн ва бўй кўрсаткичлари бўйича тиббий-биологик тадқиқотлар ўтказилган, самбочиларнинг функционал ҳолати гемодинамикани тавсифловчи физиологик тестлар билан баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, учта модулни қўллаш самарадорлиги ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди, улар “Беш поғонали тайёрлаш тизими” сифатида бирлаштирилиб, малакали самбочиларнинг машғулотлар воситалари ва юкламаларини оптималлаштириш ҳисобига мусобақа характеридаги беллашувларда усулга бурилиш ва усулга ташлашлар сони ортди ҳамда махсус тайёргарлик оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори малакали самбочилар орасида умумий ва махсус жисмоний тайёргарликни ошириш учун ишлаб чиқилган методика бўйича олиб борилган экспериментал ишлар асосида:

18-20 ёшдаги малакали самбочиларининг ўқув-машғулот жараёнида умумий жисмоний тайёргарлигини ошириш учун «Умумий тайёргарлик модули» “Повышение спортивного педагогического мастерства (по самбо)” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғига асосан 237-264 рақамли гувоҳнома). Натижада, жисмоний тайёргарликнинг умумий даражаси 12,8 фоизга ўсди, шу жумладан: 100 метрга югуриш вақти 3,4 фоизга; 1000 метрга югуриш вақти 4,8 фоизга; 30 сонияда усулга тезликда бурилишлар сони 2,9% га; 30 сонияда тезликка усул бажариш сони 2,5% га; 5 метрлик арқонга чиқиб тушиш вақти 1,4 фоизга тезлашди; 30 сонияда тезликда олдинга умбалок ошиш сони 2,7% га ошган;

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси ҳузуридаги «ДИНАМО» жисмоний тарбия ва спорт жамиятига жалб қилинган самбочиларнинг ўқув-машғулот жараёнига «Махсус тайёргарлик модули» жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан 2020 йил 28 августдаги 02-07-08-2319-сон маълумотномаси). Натижада самбочиларнинг махсус жисмоний тайёргарлик даражаси 12,8 фоизга ўсган;

спорт такомиллашуви босқичидаги малакали самбочиларни мусобақа фаолиятига тайёрлаш учун беллашувларда захира имкониятларини рационал тақсимлаш мақсадида «Махсус чидамкорлик модули» Тошкент шаҳри “Жар ССК”да шуғулланувчи самбочиларнинг ўқув-машғулот жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги “Жар” спорт-соғломлаштириш комплексининг 2020 йил 20 августдаги далолатномаси). Натижада Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг самбо йўналишида таҳсил олувчи малакали самбочиларнинг 30 сонияда тезликка усулга бурилишлар сони 3,7 фоизга, 30 сонияда тезликка усулга ташлашлар сони эса 13,04 фоизга ошган;

Ўзбекистон Самбо Ассоциацияси раҳбарлигида Тошкент шаҳрида шуғулланиб келаётган 18-20 ёшдаги юқори малакали самбочиларнинг ўқув-машғулот дастурига «Беш поғонали тайёрлаш тизими» жорий этилган (Ўзбекистон Самбо Ассоциациясининг 2020 йил 20 августдаги далолатномаси). Натижада, самбочиларнинг усулга бурилишлар сони ва самарадорлиги 7 фоизга, муваффақиятли усуллар сони эса 6,1 фоизга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий ҳолатлари ва материаллари бўйича 3 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий конференцияларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий ишлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида

5 та мақола (2 та республика ва 2 та хорижий ҳамда 1 та “Scopus” маълумотлар базасига кирувчи журналда) чоп этилган.

Ишнинг ҳажми ва структураси. Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат бўлиб, 134 саҳифалик матн, 10 та расм, 25 жадвал, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзуни долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги, диссертацияда кўтарилган муаммонинг ўрганилганлик ҳолати, мавзуни диссертация бажарилган таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, тадқиқот натижаларини апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Малакали курашчиларнинг ўқув-тренировка жараёнини тузилиши”** деб номланган биринчи бобида самбо халқаро кураш турининг энг кам ўрганилган жиҳатларидан спортда такомиллашув босқичида Беш поғонали тайёрлаш тизими ёрдамида тренировка воситаларини оптималлаштириш масалалари амалда ўрганилмаганлиги баён қилинган. Тренировка жараёнида техника ва тактикани ҳар бир ёшга оид даврда ёки тайёргарлик босқичида спорт натижаларига энг катта улуш кўшадиган томонлари мақсадга йўналтирилган ҳолда такомиллаштирилиши кераклиги ёритилган. Тайёргарликнинг асослари анча даражада ўрганилган, чунки курашнинг ҳар хил турларини назарияси ва услубияти етарлича давомий тарихга эга. Курашчиларнинг замонавий жисмоний тайёргарлиги асосини интеграл тайёргарлик тизимини структурали-функционал таркиби орқали кўриб чиқиш зарур [С.В.Калмыков, 1994, В.Н.Каплин, 1997, А.А.Карелин, 1998].

Ёш самбочилар тайёргарлиги масалаларини очиб берадиган ишларда, асосан техник-тактик ва жисмоний жиҳатлар ёритилган[П.С.Маркин, 2004, А. Ю.Осипов, 2008, Р. К.Ханбабаев, 2010].

Мавжуд ўқув-услубий нашрларда махсус чидамлиликини бевосита ривожлантирувчи умумий ва махсус жисмоний тайёргарликни мусобақа куни давомида ошириш масалалари етарлича ўрганилмаган, жисмоний қобилиятларни намоён қилиниши ва ривожланишини таъминлайдиган муҳим морфофункционал кўрсаткичлар ҳисобга олинмаган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг усуллари ва экспериментнинг ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида 18-20 ёшли самбочиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги структураси тренировка воситаларининг таъсири ва мусобақа фаолиятини имитация қилишни ҳисобга олиш орқали тадқиқ қилинганлиги ёритилган.

Тадқиқот ишлари 2019-2020 йиллар давомида уч босқичда ўтказилди.

Биринчи – изланиш босқичида – диссертация мавзуси бўйича илмий-услубий адабиётлар ўрганилди ва таҳлил қилинди, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва усуллари аниқланди, тренерлар ўртасида шуғулланувчиларнинг спорт малакаси нисбатини аҳамиятлилиги бўйича анкета-сўров натижалари таҳлил қилинди; тренировка юкламаларини тақсимлаш пайтида спортчиларнинг малакалари ҳисобга олиниши; спортчи вазн тоифасини тренировка юкламасининг нисбати бўйича аҳамияти ҳамда УЖТ ва МЖТни ошириш бўйича воситаларни ҳисобга олиш; УЖТ ва МЖТни тренировка юкламасини дозалаштирилишини аҳамияти бўйича ошириш чора-тадбирлари; спортда такомиллашув босқичида тайёргарлик давридаги ўқув-машғулот юкламасининг мусобақа жараёнига эътиборини қаратиш билан аҳамияти; мезоцикллардаги тренировкалар вақтида самбочилар учун УЖТ ва МЖТни нисбатлари; курашиш куни тренировка беллашувлари вақти ва айланаларини ҳисобга олиш, мавжуд эксперт баҳолаш таҳлил қилинди.

Иккинчи босқичда – асосий тажрибалар ўтказилди, унда, жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги даражалари тахминан тенг бўлган, спортдаги стажи ўртача 9 йилни ташкил қилган, ҳар бири 30 нафар спортчидан иборат назорат ва тажриба гуруҳлари иштирок этди. Назорат гуруҳи спортчилари стандарт услубият асосида, тажриба гуруҳидагилар эса, тренировканинг бир хилдаги суммар ҳажмида, биз томондан ишлаб чиқилган “Беш поғонали тайёрлаш тизими” модуллари бўйича тренировка қилишди.

Спортда такомиллашув босқичида тренировка воситалари ва юкламаларини оптималлаштириш билан самбочиларнинг ўқув-тренировка жараёнини “Беш поғонали тайёрлаш тизими” самарадорлигини аниқлаш бўйича педагогик тажриба баён қилинган.

Констатация қилувчи босқичда самбочиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлигини тавсифловчи олтига параметрлари бўйича жисмоний сифатларни алоҳида намоён қилиниши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик даражаси ва синовдан ўтувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини омилли структураси аниқланган.

Самбочиларнинг жисмоний ривожланиши даражасини, қадди-қоматининг тузилиши хусусиятларини баҳолаш учун антропометрик тадқиқотлар ўтказилди. Самбочилар танасининг тотал катталиклари кўрсаткичлари асосида Кетленинг вазн-бўй индекси кўрсаткичларидаги ўхшашликлар ва фарқлар тоифаларни ҳисобга олган ҳолда қиёсий жиҳатдан аниқланди. Спортчиларнинг истиқболлилигини, самбочиларни мушак юкламаларини бажаришга адаптив имкониятлари диапазони, кардио-респиратор тизимининг заҳира имкониятларини аниқлаш учун интегратив ва информатив кўрсаткичлар ҳамда тинч ҳолатдаги, юклама пайтидаги ва юкламадан кейинги гемодинамика кўрсаткичлари қўлланилди (ЮҚЧ – юрак қисқаришлари частотаси, АБ – артериал босим, систолик босим, пульс босими).

Учинчи босқичда, педагогик тажрибаларни ўтказилиши даврида, беллашувлар вақтида бажариладиган усулга бурилишлар ва усулга ташлашлар

микдорини ошириш учун тренировка воситалари ва юкламаларини оптималлаштиришга йўналтирилган, биз томондан ишлаб чиқилган “Беш поғонали тайёрлаш тизими” модулларининг таъсири аниқланган. Ушбу мақсадда ишлаб чиқилган “Беш поғонали тайёрлаш тизими”нинг самарадорлиги тажрибаларда тасдиқланган. Уни Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг «ДИНАМО» жисмоний тарбия-спорт жамиятида, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетини спорт-педагогик маҳоратини ошириш гуруҳларида шуғулланувчи самбочиларнинг ўқув-тренировка жараёнига жорий қилиниши шароитидаги самарадорлиги асослаб берилган. Тажрибаларда олинган натижалар математик статистика усуллари ёрдамида таҳлил қилинган ва қайта ишланган, диссертация иши шакллантирилган ва расмийлаштирилган.

Диссертациянинг “**«Беш поғонали тайёрлаш тизими» модулларидан фойдаланиш методикаси**” деб номланган учинчи бобида самбо бўйича 5 йилдан 20 йилгача стажга эга бўлган 11 нафар тренерлар ўртасида ўтказилган анкета-сўровнома натижалари асосида тренировка машғулотларини ўтказиш структураси баён қилинган. Респондетлар ўртасида тренерлик стажи 10 йилдан ортиқ бўлган 3 нафар мутахассислар, 2 нафар педагогика фанлари номзоди, 2 нафар доцент илмий унвонга эга бўлган тренерлар 11 та саволлардан иборат ва уларга ҳар хил жавоблари бўлган анкета-сўровномаларига жавоб беришган.

Ёш самбочиларини катталар гуруҳига ўтишда тайёрлаш усули ўсаётган организмнинг ривожланиш ва шаклланиш қонуниятларига мос келиши керак.

Биз томондан, спорт такомиллашув босқичидаги малакали самбочиларнинг умумий ва махсус тайёргарликларини ошириш учун тренировка юкламасини мусобақа фаолиятига адаптация қилинишини ҳисобга олган ҳолда махсус тайёргарликларини оширишга йўналтирилган “Умумий тайёргарлик модули”, “Махсус тайёрлик модули”, “Махсус чидамлик модули” номли учта модуллар ишлаб чиқилган, ҳамда “Беш поғонали тайёрлаш тизими” сифатида мужассамлаштирилган. Тайёрлашнинг тажриба тизими ўқув-тренировка жараёнини такомиллаштиришни назарда тутди. Мусобақа куни ҳар бир самбочи финалга қадар тахминан 4 та беллашувларда иштирок этишади. Кейинги доирага қадар 1, 2, 3 ва 4-беллашувлар оралиғидаги танаффуслар тахминан 20 дақиқани ташкил қилади. Ярим финал ва финал оралиғидаги дам олишга 120 дақиқагача вақт ажратилади. Шунинг учун, тренировка воситалари сифатида таклиф қилинган машқлар ва тренировка юкламаларини, биз, малакали самбочининг мусобақа юкламаларини ҳисобга олган ҳолда оптималлаштирдик.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар бир машқ учун белгиланган вақт тақсимоти, тикланиш учун бериладиган вақт мусобақа жараёнига йўналтирилган. Ҳар бир самбочи мусобақа кунисидаги ҳар бир беллашув учун ўз захира имкониятларини оқилона тақсимлаши керак.

Спортда такомиллашув босқичида самбочиларнинг умумий функционал тайёргарликларини ошириш учун ўқув-тренировка жараёни “Беш поғонали тайёрлаш тизими”нинг “Умумий тайёргарлик модули”

№	Машқ-нинг номи	1-уриниш	Дам олиш	2-уриниш	Дам олиш	3-уриниш	Дам олиш	4-уриниш	Дам олиш	5-уриниш	Бажа-риш вақти (дақ)
Бўлажак тренировка юкламалари тўғрисида қисқа тушунтириш											2
1	Югуриш	400 м	2 дақ	400 м	2 дақ	400 м	2 дақ	400 м	10 м дақ ин	1 км	25
Тикловчи дам олиш											10
2	Резина билан усулга бурилишлар	20 марта	20 сек	20 марта	20 сек	20 марта	20 сек	20 марта	1 дақ	30 марта	4
Тикловчи дам олиш											5
3	Турникда тортилиш	15 марта	2 дақ	15 марта	2 дақ	15 марта	2 дақ	15 марта	5 дақ	20 марта	15
Тикловчи дам олиш											5
4	тана вазнининг 50% га тенг штанга билан ўтириб-туришлар	10 марта	2 дақ	10 марта	2 дақ	10 марта	2 дақ	10 марта	5 дақ	15 марта	5
Тикловчи дам олиш											5
5	Оёқлар ёрдами-сиз 5 метрлик арқонга чиқибтушиш	1 марта	2 дақ	1 марта	2 дақ	1 марта	2 дақ	1 марта	10 дақ	Чиқиб тушишлар сони максимал, вақт чегараланмаган	15
Тикловчи дам олиш											5
6	Турникда осилиб туриб оёқларни кўтариш	15 марта	2 дақ	15 марта	2 дақ	15 марта	2 дақ	15 марта	2 дақ	Макс. уринишлар	15
Тикловчи дам олиш											15
Жами вақт: 126 дақ											

Ўқув-тренировка жараёни “Беш босқичли тайёрлаш тизими”даги “Умумий тайёргарлик модули”нинг (1-жадвал) мақсади – малакали самбочиларнинг умумий функционал тайёргарликларини ошириш ҳисобланади. Жадвалда машқлар ва уларнинг ҳажми аниқ келтирилган ҳамда тикланиш учун вақт оралиқлари аниқ тақсимланган.

2 – жадвал

Спортда такомиллашув босқичида самбочиларнинг махсус тайёргарликларини ошириш учун ўқув-тренировка жараёни “Беш поғонали тайёрлаш тизими”нинг “Махсус тайёргарлик модули”

№	Машқнинг номи	1-уриниш	Дам олиш	2-уриниш	Дам олиш	3-уриниш	Дам олиш	4-уриниш	Дам олиш	5-уриниш	Бажариш вақти (дақ)
Самбочиларни рўйхатдан ўтказиш, махсус тайёргарлик бўйича тренировка ва бўлажак юклама тўғрисида тушунча бериш											5
Қизиб олиш машқлари: югуриш ва акробатик машқлар; УРМ											30
Партерда 30-40% кучланишларни қўллаш билан беллашиш											15
Тикловчи дам олиш											3
1	Ташлашни бажариш учун айланишлар	30 марта	20 сек	30 марта	20 сек	30 марта	20 сек	30 марта	2 дақ	60 марта	4
Тикловчи дам олиш											1
2	Тезликка “шоҳ усул” билан ташлашлар	15 марта	20 сек	15 марта	20 сек	15 марта	20 сек	15 марта	2 дақ	30 марта	5
Тикловчи дам олиш											2
3	Ташлашдан кейин оғритиш усулларига ўтиш	5 марта	30 сек	5 марта	30 сек	5 марта	30 сек	5 марта	2 дақ	10 марта	5
Тикловчи дам олиш											1
4	Ташлашдан кейин ушлаб қолишни имитация қилиш	5 марта	30 сек	5 марта	30 сек	5 марта	30 сек	5 марта	2 дақ	10 марта	5
Тикловчи дам олиш											1
5	Ушлаб қолишдан чиқиб кетиш	3 марта	20 сек	3 марта	20 сек	3 марта	20 сек	3 марта	2 дақ	5 марта	5
Тикловчи дам олиш											1
6	Олдинга ўмбалоқ ошиш	30 сек	30 сек	30 сек	30 сек	30 сек	30 сек	30 сек	2 дақ	1 дақ	5
Тикловчи дам олиш											22
Жами вақт: 110 дақ											

Спортда такомиллашув босқичида малакали самбочиларнинг махсус тайёргарликларини ошириш учун ўқув-тренировка жараёни “Беш босқичли тайёрлаш тизими”нинг “Махсус тайёргарлик модули” мусобақа кунини ҳисобга

олиш орқали йўналтирилган (2-жадвал). Биз томондан таклиф қилинган барча машқлар техник-тактик тайёргарликни оширади. Самбочи “шоҳ усул”да ташлашларни, оғритиш усулларини, ташлашдан кейин ушлаб қолишни имитация қилишни ўзи танлайди, чунки самбочиларнинг спортдаги стажи ва малакалари, уларнинг онгости даражаларида техник маҳоратни ишлаб чиқишни кўрсатади, яъни автоматизм ишга тушади.

3 – жадвал

Спортда такомиллашув босқичида самбочиларнинг “Кураш куни” учун ўқув-тренировка жараёни “Беш поғонали тайёрлаш тизими”нинг “Махсус чидамкорлик модули”

№	Машқнинг номи	1-беллашув	Дам олиш	2-беллашув	Дам олиш	3-беллашув	Дам олиш	4-беллашув	Дам олиш	5-беллашув	Бажа-риш вақти (дақ)
Самбочиларни рўйхатдан ўтказиш, махсус тайёргарлик бўйича тренировка ва бўлажак юклама тўғрисида тушунча бериш											5
Қизиб олиш машқлари: югуриш ва кробатик машқлар; УРМ											20
1	Рақибни ушлаб олиш учун кураш	30 сек	1 дақ	30 сек	1 дақ	30 сек	1 дақ	30 сек	2 дақ	1 дақ	8
Тикловчи дам олиш											2
2	Партер кураши	5 дақ	2 дақ	5 дақ	2 дақ	5 дақ	2 дақ	5 дақ	5 дақ	5 дақ	36
Тикловчи дам олиш											2
3	Тик ҳолатдаги кураш	5 дақ	5 дақ	5 дақ	5 дақ	5 дақ	5 дақ	5 дақ	10 дақ	10 дақ	65
Тикловчи дам олиш											2
Жами вақт: 140 дақ											

Таклиф қилинган, спортда такомиллашув босқичида малакали самбочиларнинг махсус чидамлилигини оширувчи ўқув-тренировка жараёни “Беш босқичли тайёрлаш тизими”нинг “Махсус чидамкорлик модули”да 4 та беллашувларда 30 секундли ва 5-беллашувда бир минутлик “Рақибни ушлаб олиш учун кураш” асосий беллашувларга тайёргарлик сифатида намоён қилинади. Кейинги машқлар – “Партер кураши” ва “Тик ҳолатдаги кураш” мусобақа юкласининг пойдеворини намоён қилади ва шу сабабли, улар модуль бўйича ташкил қилинган.

Биз, ҳар бир самбочи бўйича таҳлилни амалга оширдик, яъни спортчининг кучли ҳамда кучсиз томонлари ҳисобга олинди.

Назоратни амалга ошириш пайтида, ҳар бир спортчини мусобақаларга тайёргарлиги босқичидаги тайёргарлик ҳолатини аниқлаш зарурати долзарб ҳисобланади. Ушбу зарурат тренерлар ва раҳбарларни спорт тренировкасининг мусобақаолди босқичини коррекция қилишга интилиши билан тушунтирилади.

Диссертациянинг “Беш поғонали тайёрлаш тизими” модулларини тажрибаларда асослаш” деб номланган тўртинчи бобида самбочиларни

махсус тайёргарликлари даражаларини ошириш жиҳатидан юқори самарадорлигини аниқловчи тажрибаларда олинган натижалар таҳлил қилинган.

Юрак-томир тизимининг адаптацион имкониятларини аниқлаш мақсадида икки поғонали юкламалар натижаларини инетрпретация қилиш самбочиларнинг функционал ҳолатини ва тренировка юкламаларини самбочилар организмга адекватлигини баҳолаш имконини берди. Юрак-томир тизимини икки поғонали юкламаларга реакциясини баҳолаш учун спортда такомиллашув босқичида самбочиларнинг гемодинамик кўрсаткичлари, хусусан юрак қисқаришлари частотаси (ЮҚЧ) ва артериал босими (АБ) таҳлил қилинди (олинган натижалар 4, 5 ва 6-жадвалларда келтирилган).

4- жадвал

Тадқиқот бошида ТГ самбочилари юрак қисқаришлари частотасини икки поғонали юкламаларга реакцияси (n=30)

Спортчилар	Юрак қисқаришлари частотаси кўрсаткичлари (зарба/мин)			
	Юкламагача	Юклама вақтида	Юкламадан кейин	Юкламадан кейин 3 минут ўтгач
ХТСУ, n=2	72±6	150±8	122,5±16,5	73±4
СУ, n=13	73,5±17,5	147,5±22,5	144±31	73±13
СУН, n=15	71,5±9,5	158±22	127,5±38,5	82,5±12,5

Бизнинг тажрибаларимизда юкламагача ЮҚЧни ўртача кўрсаткичлари минутага 56-91 зарба чегарасида бўлди.

5 - жадвал

Тадқиқот бошида ТГ самбочилари артериал босимини икки поғонали юкламаларга реакцияси (n=30)

Спортчилар	Артериал босим кўрсаткичлари (мм.сим.уст.)			
	Юкламагача	Юклама вақтида	Юкламадан кейин	Юкламадан кейин 3 минут ўтгач
ХТСУ, n=2	115/80±5/0	170/80±25/15	157,5/72,5±12,5/17,5	120/80±0/0
СУ, n=13	105/75±15/15	165/77,5±25/17,5	147,5/72,5±27,5/12,5	110/70±10/10
СУН, n=15	115/75±15/5	170/65±25/15	130/72,5±30/17,5	112,5/70±12,5/10

Бизнинг тажрибаларимизда юкламагача АБ ўртача 120,5/80 мм.сим.уст.ни ташкил қилди. Икки поғонали юкламани бажариш бошланганидан кейинги биринчи дақиқаларда ЮҚЧ ва АБ ортди ва мос равишда 84-138 зарба/мин. ва 160/80 мм.сим.уст.ни ташкил қилди. Юклама тестини бажаргандан кейинги ЮҚЧни ўсиши 86-88%, АБни ўсиши эса – 10-33% ни ташкил қилди. Кейинги кузатишлар айрим синовдан ўтувчиларда пульсининг тикланиши дам олишни биринчи дақиқасида яқунланишини, бошқаларида эса – 3-дақиқагача чўзилиб яқунланганлигини кўрсатди. Аналогик анъана артериал босим қийматларини ўзгаришида ҳам қайд қилинди.

Тадқиқот якунида ТГ самбочилари юрак қисқаришлари частотаси ва артериал босимини икки поғонали юкламаларга реакцияси (n=30)

Спортчилар	Артериал босим кўрсаткичлари (мм.сим.уст.)			
	Юкламагача	Юклама вақтида	Юкламадан кейин	Юкламадан кейин 3 минут ўтгач
ХКСУ, n=5	110/70±5/0	165/80±20/15	155/70±10,5/ 10,5	110/70±0/0
СУ, n=10	115/75±15/15	165/77,5±15/17,5	145/71±20/12,5	110/70±5/5
СУН, n=15	110/75±15/5	170/65±20/15	135/72±15/12,5	110/70±12/5
Спортчилар	Юрак қисқаришлари частотаси кўрсаткичлари (зарба/мин)			
	Юкламагача	Юклама вақтида	Юкламадан кейин	Юкламадан кейин 3 минут ўтгач
ХКСУ, n=5	70±10	145±15	120±25	70±8
СУ, n=10	73,5±17,5	148±22	130±30	68±10
СУН, n=15	72,5±9,5	150±20	127,5±35	80±10,5

Тайёргарлик босқичининг якунида самбочилар гемодинамик кўрсаткичлари даражалари бўйича фарқ қилишган бўлиб, 50%ида функционал имкониятлари даражаси ортди, 26,7%ида гемодинамик кўрсаткичлари ўзгармади, 23,3%ининг кўрсаткичлари ўртача даражада бўлди (6-жадвал).

Ўтиш босқичининг (3-4 ҳафтадан то 6-8 ҳафтагача) асосий вазифалари қаторига микроциклнинг тренировка ва мусобақа юкламаларидан кейинги тўлақонли дам олиш ҳамда спортчининг оптимал тайёргарлигини таъминлаш учун тренировка қилганликни маълум даражада қўллаб туриш киради. Юқорида баён қилинган маълумотлар, кўпчилик самбочилар ўтиш босқичидан етарлича рационал ўтганлигидан далолат беради.

Самбочиларнинг умумий ва махсус тайёргарликлари кўрсаткичларини таҳлили. «ДИНАМО» жисмоний тарбия-спорт жамиятида шуғулланувчи самбочиларнинг техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини баҳолаш мақсадида 2019-2020 йиллар (сентябр-феврал) давомида педагогик кузатувлар амалга оширилди. Бир вақтнинг ўзида, ушбу босқич давомида, тренировка юкламаларини қўллашни назорат қилиш амалга оширилди. Махсус баённомада тренировка юкламаларининг параметрлари қайд қилинди. Жами 240 та тренировка машғулотлари таҳлил қилинди. Тадқиқотнинг ушбу босқичини мақсади – юкламанинг самарадорлигини ўрганиш ва баҳолаш бўлди. Самбочиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарликларини баҳолашда курашчиларнинг тайёргарлиги томонларини тавсифловчи тестлар батареяси воситасида амалга оширилди.

**Назорат ва тажриба гуруҳлари самбочиларининг УЖТ ва МЖТ
кўрсаткичларини ўзгариши динамикаси (n=60)**

Тадқиқ қилинган кўрсаткичлар	Тажрибага қадар $\bar{X} \pm \sigma$	Тажрибадан кейин $\bar{X} \pm \sigma$	Ўсиш (%)	$t_{\text{мезони}}$	p
Назорат гуруҳи					
Югуриш 100м (сек)	14 ± 0,54	13,6 ± 0,5	2,8	3,01	<0,05
Югуриш 1000м (мин)	4,6 ± 0,42	4,5 ± 0,27	2,2	1,76	>0,05
Оёқлар ёрдамисиз 5 метрлик арқонга чиқибтушиш (сек)	11,2 ± 1,05	11,1 ± 1,01	0,9	0,7	>0,05
Тезликка усулга бурилишлар (30 с)	37,8 ± 1,21	36,4 ± 2,13	3,7	3,13	<0,05
Тезликка “шоҳ” усулларни ташлашлар (30 сек)	18,4 ± 1,19	19,2 ± 1,34	4,3	2,34	<0,05
Олдинга ўмбалок ошиш (30 сек)	25,1 ± 1,03	25,4 ± 1,52	1,2	0,79	>0,05
Тажриба гуруҳи					
Югуриш 100м (сек)	14,1 ± 0,38	12,6 ± 0,44	10,6	11,48	<0,05
Югуриш 1000м (мин)	4,4 ± 0,2	4,0 ± 0,39	9,1	4,81	<0,05
Оёқлар ёрдамисиз 5 метрлик арқонга чиқибтушиш (сек)	10,9 ± 0,65	9,6 ± 0,32	11,9	11,17	<0,05
Тезликка усулга бурилишлар (30 с)	37,2 ± 1,07	37,5 ± 1,11	0,8	6,79	<0,05
Тезликка “шоҳ” усулларни ташлашлар (30 сек)	18,4 ± 1,3	20,8 ± 0,92	13,04	4,39	<0,05
Олдинга ўмбалок ошиш (30 сек)	24,6 ± 1,43	25,8 ± 1,04	4,9	3,11	<0,05

Изоҳ: \bar{X} - ўртача арифметик; σ - стандарт оғиш; $t_{\text{кр}}$ - Стъюдентнинг t-мезони;
p- аҳамиятлилик даражаси.

Тайёргарликнинг ушбу томони параметрларининг ўсиши тажрибани яқуний босқичига келиб “Беш поғонали тайёрлаш тизими” модуллари бўйича ишончли қийматларга эга бўлди. Масалан, НГ да 100 м.га югуриш 13,6±0,5 сек. (p≤0,05), ТГ да эса – 12,6±0,44 ни (p≤0,05), ўсиш – 10,6%ни ташкил қилди.

Гуруҳдаги ўртача кўрсаткичлар тажрибанинг яқуний босқичига келиб 1000 м.га югуриш тестида ТГ самбочиларининг кўрсаткичлари 4,0±0,39, ўсиш – 9,1%, (p≤0,05), НГ да эса – 4,5±0,27, ўсиш – 2,2%ни (p>0,05) ташкил қилди.

Шунга ўхшаш ҳолат оёқлар ёрдамисиз 5 метрлик арқонга чиқиб тушиш тести кўрсаткичларида ҳам қайд қилинди: ТГда – $9,6 \pm 0,32$ сек. ($p \leq 0,05$), ўсиш – 11,9%, НГ да эса – $11,1 \pm 1,01$ сек., ўсиш – 0,9%ни ($p > 0,05$) ташкил қилди.

“Тезликка усулга бурилишлар (30 с)” тестида ТГда ўсиш – 0,8%ни ($p \leq 0,05$), НГ да эса – 3,7%ни ($p \leq 0,05$) ташкил қилди.

Махсус чидамлилиқни оширувчи машқлар орасидан тажрибаларда “Тезликка “шоҳ” усулга ташлашлар (30 сек)” қўлланилган бўлиб, тажрибанинг якунида ЭГда кўрсаткичлар $20,8 \pm 0,92$ сек., ($p \leq 0,05$), ўсиш – 13,04%ни, НГ да эса – $19,2 \pm 1,34$ сек., ($p \leq 0,05$), ўсиш – 4,3%ни ташкил қилди.

Самбочиларнинг махсус чидамлилиги ҳаракат сифатлари таркибига кирувчи координация машқлари “Олдинга ўмбалоқ ошиш (30 сек)” машқида намойиш қилинди. Тажрибанинг якуний босқичида ТГда унинг қиймати $25,8 \pm 1,04$ ($p \leq 0,05$) ни, ўсиш – 4,9%ни, НГ да эса, ўсиш – 1,2%ни ташкил қилди.

8 - жадвал


Назорат ва тажриба гуруҳларида беллашувларда усулга бурилишлар ва усулга ташлашлар кўрсаткичларини ўзгариши динамикаси ($n=60$) (\bar{X})

Тадқиқ қилинган кўрсаткичлар		Назорат гуруҳи		Тажриба гуруҳи	
		Тажрибага қадар	Тажрибадан кейин	Тажрибага қадар	Тажрибадан кейин
1-беллашув	Б	3,9	3,6	5,1	4,3
	Т	3,6	2,8	2,5	3,3
2-беллашув	Б	2,6	3,1	3	3,9
	Т	2,2	2,3	1,7	3
3-беллашув	Б	2,7	1,7	1,9	3,6
	Т	1,6	1,3	1,3	3,4
4-беллашув	Б	0,8	1,3	1,2	3,6
	Т	0,7	0,7	0,9	3
5-беллашув	Б	0,3	0,7	0,3	2,9
	Т	0,6	0,4	0,3	2,6

Изоҳ: Б- кураш пайтида усулларга бурилишлар; Т- кураш вақтидаги усулга ташлашлар.


Тадқиқотнинг бошида назорат гуруҳидаги беллашувлар сериясида бажарилган усулга бурилишлар миқдорининг динамикаси, тренировка режимини маълум бир рационаллаштирилишидан кейин, ўртача арифметик кўрсаткичларини пасайиши билан кескин ўзгариш анъанасига эга бўлди.

Усулга бурилишлар тадқиқ қилишнинг охирида беллашувлар сериясида миқдорий кўрсаткичларни пасайиши билан сокин ўтиш аниқланди, лекин шу билан бирга, кўрсаткичлар 4-беллашувда 0,8 дан 1,3 га; 5-беллашувда 0,3 дан 0,7 га яхшиланди.



1-расм. Назорат гуруҳидаги беллашувлар сериясида бажарилган усулларга бурилишлар миқдорининг динамикаси


Тадқиқотнинг якунида назорат гуруҳи иштирокчилари беш поғонали юкламадан ўтиша олмадилар, чунки тренировка воситалари ва юкламаларини оптималлаштириш фақатгина тажриба гуруҳи самбочиларининг машғулотларига жорий қилинган эди.



2-расм. Тажриба гуруҳидаги беллашувлар сериясида бажарилган усулларга бурилишлар миқдори динамикаси


Тажриба гуруҳида тажрибанинг бошида усулларга бурилишлар сериясини бажариш миқдори динамикасини ҳам ўртача арифметик кўрсаткичлари кескин пасайиши анъанасига эга бўлди. Ушбу гуруҳ самбочилари тренировка воситалари ва юкламалари оптималлаштирилгандан кейин усулларга бурилишлар сериясини бажариш миқдори тажрибанинг якунида усулларга бурилишлар сериясини бажариш миқдори яхшиланишини

